51 (601)

2007 йил 19 декабрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Муаммо йўқ, чунки ташаббус бор!
▶ Ўрикзорнинг ўн тўрт ёшли чевари

3
▶ Бурда нонининг баҳоси...
▶ Сохта тадбиркорнинг «сири» нима экан?

4
▶ Асл асалнинг етмиш хусусияти бор
▶ Мўлкент тарихига оид тахминлар

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига ва бутун ислом умматига равнақ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Мусулмон умматининг муқаддас байрами — Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни изҳор этиш, биродар Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилакларини билдириш менга мамнуният бағишлайди.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга самимий табрик ва энг эзгу ниятлар, узоқ умр, бахт-саодат, дўст ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилакларини билдириш менга мамнуният бахш этади.

Қодир Аллоҳдан Сизнинг хайрли ишларингиз ва эзгу истакларингизга эришишда муваффақиятлар, бутун мусулмон умматига тинчлик йўлида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ато этишини тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Олий маънавий қадриятлар, инсонпарварлик, раҳм-диллик ва тинчликсеварлик рамзи бўлган Қурбон байрами муносабати билан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини чин юрақдан табриклайман.

Сизга, мустаҳкам соғлик, бахт, ишларингизда ютуқлар, қардош ўзбек халқига тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар – "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгалари учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида оширилиб, ҳар ойлик тўловларнинг миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, фахрий унвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 декабрь

— Яна нима дейсиз?
— Набираларингизга ҳайитликни тахт қилиб қўйдингизми?

Меҳр-оқибат ва шукроналик айёми

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасининг янги қиёфаси

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий ва диний байрамларини азалий анъаналар ва замонавий тамойиллар уйғунлиги асосида нишонлаш, улғайиб келаётган авлодни бундай эзгу қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгиланганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда инсониятни бағрикенглик, поклик ва меҳр-оқибатга чорловчи муқаддас динимизни асраб-авайлашга, ёш авлодни халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент ислом университетида келажак эгаларига диний ва дунёвий билимлар мукаммал ўргатилмоқда.

Диний эътиқодимизнинг муҳим амалларидан бири – Ҳаж ибодатини адо этишга кенг йўл очилгани юртдошларимизнинг бу борадаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз ана шундай имкониятдан фойдаланиб, муқаддас Ҳаж сафарига бориб келаётирлар.

Президентимизнинг 2007 йил 20 февралда қабул қилинган "Ҳазрати Имом (Хастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори асосида пойтахтимизда яна бир улкан бунёдкорлик иши амалга оширилди: Ҳазрати Имом мажмуаси тубдан таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда бу ерда Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи Муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва бошқа бетакрор иншоотлар халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятининг ёрқин ифодаси сифатида қад ростлаб турибди.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, буюк алломаларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини кенг тадқиқ этиш, улар томонидан яратилган бой ва бетакрор маънавий меросни асраб-авайлаш, тарихий қадамжоларни асл ҳолича сақлаш, динлараро ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш борасидаги улкан ишлар самаралари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётир. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганини бунинг ёрқин исботидир. Пойтахтимиз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида шу муносабат билан бўлиб ўтган халқаро анжуманларда мамлакатимиздан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг ислом тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ва бу борада бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар алоҳида эътироф этилди.

Халқимиз Қурбон ҳайитини нишонламоқда. Шу муносабат билан юртимиздаги зиёратгоҳлар, қабристонлар ва муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди. Бундай иншоотларнинг теварак-атрофи ободонлаштирилиб, зиёратчилар ташриф буюриши учун тегишли шароитлар яратилди.

Халқимиз бундай улуғ айём кунларида ўзгалар кўмагига муҳтожлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган болалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олади. Давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, хайр-саховатли инсонлар, тадбиркорлар, фермерлар ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ва кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар.

Қурбон ҳайити ҳам инсонлар кўнглига хайрли мақсад ва эзгу амаллар соладиган табаррук байрамдир. Инсонларни ҳамжиҳатликка етакловчи, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамловчи ана шундай улуғ айёмларимиз мангу барҳаёт бўлсин.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 18 декабрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳри ўзининг юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деди Ислом Каримов.

Истиқлол йилларида Тошкент шаҳарсозлик маданияти юксак ривожланган, замонавий йўл ва кўприклари, бетакрор иншоотлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан ажралиб турувчи том маънодаги пойтахтга айланди. Тошкент нафақат фан ва маданият маркази, балки йирик саноат шаҳри ҳамдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулотнинг 30 фоизга яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Шаҳарда бир ярим мингга яқин қўшма корхона ва фирмалар фаолият юритмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий урф-одатларимиз ҳамда буюк аждодларимиз меросини тиклаш, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

В.ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири.

АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ ЖИЗЗАХЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 18 декабрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қобилов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, "Нуроний" жамғармаси Жиззах шаҳар кенгаши раиси Маматқул Иномов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, халқимиз фаровонлиги юксалмоқда. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиб, ижтимоий нафақалар, аҳолининг реал даромадлари муттасил оширилмоқда. Коммунал хизмат, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурхон Темиров, Жиззах шаҳар акушерлик комплекси катта ҳамшираси Лайло Исаева, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Пахтакор тумани бўлинмаси раиси Карим Тотлибоев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида ўтаётгани миллий сайлов тизимимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини таъкидладилар. Номзоднинг дастури тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайловчиларни шу йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Қарор ва ижро

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ СУРХОНДАРЁГА ЙЎЛ ОЛДИ

Президентимизнинг 13 декабрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш" тўғрисидаги Қарорига асосан ҳамда 2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти томонидан 18 декабр куни Сурхондарё вилоятига навбатдаги саломатлик поезди жўнатилди.

Мазкур поезддан иссиқ кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак ғилофлари, санитария-гигиена маҳсулотларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жой олган бўлиб, улар Қурбон ҳайити кунлари вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов туманларидаги ўқув ҳамда тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектларга, кам таъминланган ёш оилалар ва уларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига тарқатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Сурхондарё вилоятига учинчи марта саломатлик поезди жўнатиляпти.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти бу каби хайрия тадбирларини келгуси — Ёшлар йилида ҳам кенг қамровда ўтказишни режалаштирган. Унга кўра, саломатлик поездлари орқали республикамиз ҳудудидаги 15 мингта кам таъминланган ёш оилага моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак берилиши кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Маслаҳатчи иш тажрибасидан

"ЮКСАК ЭЪТИРОФДАН ИФТИХОР ТУЙДИМ", —

дейди пойтахтнинг Яккасарой туманидаги илғор маҳаллалардан бирининг маслаҳатчиси

Ўрикзор маҳалласи пойтахтнинг марказида жойлашган. Маҳалла кўчаларининг равон, орасталигиданоқ ўрикзорликларнинг ўз яшаш масканлари ободончилигига беэътибор эмаслигига амин бўлиш мумкин.

Маҳаллада 468 та якка тартибда қурилган ҳовли-жойлардан ташқари 33 та кўпқаватли уйлар мавжуд, аҳоли сони тўрт минг нафардан ортади. Кўпнинг кўнглини топиш, айниқса, бир маслак йўлида жипслаштириш осон иш эмас, албатта. Маҳалла йиғини раиси Ноилбек Илҳомов барча ишларда йиғин ходимлари ва фаоллари, айниқса, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Мунира Усмонова яқин ёрдамчиси эканини эътироф этди.

— Маълумки, маҳалла тизими фаолияти жуда кенг қамровли, — дейди Ноилбек ака. — Юртимиздаги фуқаролар йиғинларида бу фаолиятни тўлақонли ташкил этишда маслаҳатчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Муҳтарам Президентимиз ҳам яқинда бўлиб ўтган Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида буни алоҳида эътироф этди.

— Юртбошимиз ўз маърузасида маслаҳатчиларга алоҳида ташаккур билдирганларида кўзларимга ёш қалқди, — руҳланиб сўзлайди Мунира опа. — Бу эътироф фаолиятимизга берилган юксак баҳо, келгусидаги фаолиятимизда бизга куч-қувват берувчи даъват бўлди, менимча.

Келаси 2008 йилнинг Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинганидан энг аввало, она сифатида қалбим ғурурга тўлди. Айниқса, Юртбошимизнинг "Мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман", деган самимий сўзлари қалбимга муҳрланди.

Кейинги йилларда ёшларимизни камол топтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар кўлами келаси йилда янада кенгайиши шубҳасиз. Масалан, Ижтимоий ҳимоя йилида Юртбошимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ёш оилаларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Хусусан, маҳалламизда ҳам 30 та ёш оиланинг турмуш шарт-шароитлари ўрганилиб, уларга моддий-маънавий кўмак, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бир нечта ёш оила имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди.

Тошкент шаҳри

Маҳалла гузарида ёш қизларимизга тикиш-бичиш сирларини ўргатадиган махсус ўқув маркази ишламоқда. Ўқув маркази ишини маҳалламизнинг моҳир чевари Муштарийхон бошқармоқда. Яқинда ҳомийлар ёрдами билан иккита замонавий русумдаги тикув машинаси сотиб олдик. Бу тикув машинасининг биттаси ўқув марказига, иккинчиси эса ўқув марказининг истеъдодли ўқувчиларидан бири — 14 ёшли Донохон Ҳакимовага берилди. Маҳалламиз қизлари марказда бепул ҳунар ўрганишади. Марказ қошида ишлаётган ателъеда чеварларимиз томонидан тикилган тўй либосларининг бозори чаққон. Келажакда бошқа йўналишларда, масалан ўғил болалар учун турмушда асқотадиган ҳунар ва кўникмалар ўргатиладиган ўқув курслари ташкил этишни режалаштирганмиз.

Бизнинг ёшлик давримиз ҳам ўзига хос завқли, қизиқарли ўтган. Лекин бугунги кун ёшларига ўқиш, ишлаш, оила қуриш учун муҳайё этилган шароитларни биз кўрмаганмиз. Бугунги кун ёшларига жуда ҳавасим келади. Уларнинг олдида ҳукуматимиз, Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларга муносиб жавоб қайтариш, ўз Ватани ва халқига садоқатли инсонлар бўлиш масъулияти бор. Бу масъулиятни ёшларимиз аъло даражада адо этишларига ишонаман. Зеро, ҳар бир замондошимизнинг, ҳар бир ота-онанинг эзгу нияти ҳам шудир.

Дилором МУРОДОВА

МДҲ КУЗАТУВЧИЛАРИ БРИФИНГИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида 18 декабрь куни мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Кузатувчилари миссияси штаби вакиллари иштирок этди. Брифингда Миссия штаби раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун сўзга чиқди. Қуйида МДҲ Кузатувчилари миссияси штаби пресс-релизининг тўлиқ матни эълон қилинмоқда:

Ўзбекистон Республикасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссияси штаби ўз ишини давом эттирмоқда.

2007 йил 10 декабрда Тошкентда МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Миссия штаби ўз ишини бошлади. Штаб сайлов жараёнида кузатувни ташкил этиш билан боғлиқ зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, Миссия штабининг вазифаларига сайлов жараёнининг бориши ҳақидаги материалларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказиш, телевизион дастурларда эфирга узатилаётган ва босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган янгиликлар мониторингини амалга ошириш, Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш, кузатувчиларни ҳудудлар бўйича тақсимлаш ва уларнинг иш тартибини белгилаш билан боғлиқ ишлар киради.

Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида Штаб бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар ҳудудлардаги кузатувчилар ишини ташкил этиш, участка сайлов комиссиялари билан доимий алоқада бўлиш имконини беради.

МДҲ Кузатувчилари миссияси штаби ушбу миссия таркибида Ҳамдўстликка аъзо давлатлардан 78 нафар кузатувчи рўйхатдан ўтганлигини маълум қилади.

МДҲ Кузатувчилари миссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатларга мувофиқ ва сайловни кузатишни ташкил этиш бўйича халқаро стандартларга асосланган ҳолда амалга оширмоқда.

Ҳамдўстлик Кузатувчилари миссияси штаби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловни ўтказишга тайёргарлик кўриш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий-амалий ишларни амалга ошираётганини қайд этади.

Сайлов комиссиялари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, зарур услубий материаллар билан таъминланган. Участка комиссиялари аъзолари учун уларнинг ишини ташкил этиш масалалари бўйича семинар-кенгашлар ўтказилмоқда. Овоз бериш учун яхши жиҳозланган, сайлов комиссияларининг ишлаши ва кузатувчиларнинг ўз вазифаларини бажариши учун қулай, сайловни ўтказиш учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган бинолар ажратилган. МДҲ кузатувчилари Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги округ ва участка сайлов комиссиялари, овоз бериш биноларини кўздан кечиргач, бунга тўла ишонч ҳосил қилди.

МДҲ Кузатувчилари миссияси штаби сайловолди тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунида белгиланган муддатда ўтказилганини қайд этади. Мамлакатда Президент сайловини халқаро кузатиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий-техник шароитлар яратилган.

Президентликка номзодларнинг барча сайловолди штаблари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар давомида уларнинг раҳбарлари сайлов кампаниясини кузатиш масалалари бўйича бирон-бир эътироз билдирмади. Шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Кузатувчилар миссияси раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик кузатувчилари Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам иштирок этди.

МДҲ кузатувчилари бешта вилоят ва Тошкент шаҳридаги участка сайлов комиссияларига ташриф буюриб, у ерда биноларни овоз бериш учун тайёрлаш, сайловчилар рўйхатлари бўйича иш олиб бориш, сайловчиларга овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида маълум қилиш ишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасига мувофиқ амалга оширилаётганини қайд этади.

Ҳамдўстлик Кузатувчилари миссияси штаби сайлов комиссияларининг фаолияти очиқлик ва ошкоралик руҳида ташкил этилганини, комиссия аъзолари томонидан кузатувчилар фаолиятига монелик қилиш ҳоллари кузатилмаганини таъкидлайди.

Республикада Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва овоз бериш жараёнини бевосита кузатишни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Сайлов жараёнида қатнашаётган барча сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳига ўз вакилларини кузатувчи сифатида рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилди.

МДҲ кузатувчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мониторинги натижаларига оид ўз баҳо ва хулосаларини Президент сайловини кузатиш натижаларига доир якуний баёнотида эълон қилади.

МДҲ Кузатувчилари миссияси штаби

Қашқадарё вилояти

Кўрик-танлов давом этади

ЗАМИРА — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Фуқароларнинг маънавий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари куч синашиб, ўзларининг бор билим ҳамда тажрибаларини амалда намойиш этдилар.

Қизғин баҳс ва мунозаралар асосида кечган беллашувда Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Замира Маматқулова биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

Саломатмисиз, маҳалладош?

Андижон вилояти

БЎТАҚОРАда намунали ҚВП

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор берилаётир. Бу борада қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Андижон вилоятида ҳам даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида катта ишлар бажарилди. Амбулатория-поликлиника муассасалари сони 250 тадан 423 тага кўпайди. Биргина 2007 йилнинг ўзида чет эл инвестициялари ҳисобига 330 та қишлоқ врачлик пунктига 36 турдаги 1 миллиард 600 миллион сўмликдан ортиқ жиҳозлар келтирилди. Бу эса қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга замин яратди.

Биргина Андижон туманида ҳозирги кунда 196 минг 200 нафар аҳолига иккита шифохона, учта поликлиника, улар қошида ўн битта фельдшер-акушерлик пунктлари, тўртта марказий шифохона бўлимлари самарали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда 257 нафар врач, 1 минг 146 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: *тумандаги Бўтақора қишлоқ врачлик пункти олий тоифали шифокори Лутфулло Қобилов ва ҳамшира Раъно Отажонова .*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Муаммо ва ечим

Сирдарё вилояти

ОҚСОҚОЛга ЯРАШИҚЛИ ТАШАББУС

бу ташаббус туфайли маҳаллада табиий газ таъминотидаги муаммо барҳам топди

Сирдарё туманидаги Ўзбекистон маҳалласида 400 дан зиёд хонадон мавжуд. Кейинги йилларда табиий газнинг хонадонларга бир меъёрда етиб келмаслиги муаммоси маҳалла аҳлини қийнаб келарди.

Газ қувурлари бундан 35 йил аввал ётқизилган бўлиб, яроқлилик муддатини ўтаб бўлган, шу боис, қувурларнинг тез-тез тешилиб туриши оқибатида газ босими пасайиб кетган эди. Олдинда эса қишнинг аёзли кунлари. Табиий газ таъминоти етарли бўлмаса, хонадонларни иситиш, ҳатто таом пишириш ҳам муаммога айланади. Бундан ташқари, маҳаллада ёш болали оилалар кўп. Хуллас, бундай шароитда маҳалланинг каттаю кичиги қиш фаслида бир қатор ноқулайликларга дучор эди. Шундай вазиятда маҳалла оқсоқоли Қосимжон Бойқулов йиғин бошчисига хос ташаббус билан чиқди — маҳалла фаолларини йиғиб, ҳар бир хонадон эҳтиёжидан келиб чиқиб маблағ тўплаш ва газ қувурларини таъмирлаш борасидаги таклифларини баён қилди.

— Таъмир учун керакли қурилиш ашёларини сотиб олишнинг уддасидан чиқсак, қолган юмушларни ҳашар йўли билан амалга оширамиз, — деди маҳалла оқсоқоли.

Таклиф маҳалла аҳлига маъқул тушди. Ўзбекистонликлар раис бошчилигида енг шимариб ишга киришдилар. Эски газ қувурлари таъмири жадаллик билан олиб борилди: ҳашар йўли билан қувурлар ямалиб, таянч устунлари қайта таъмирланди. Ҳашарда маҳалладаги ёшу қари шижоат билан меҳнат қилди. Натижада ушбу хайрли юмуш куз фаслидаёқ ниҳоясига етказилиб, маҳаллада "зангори олов" оқими бир меъёрга тушди.

Комилжон БЕГИМОВ, "Маҳалла" жамғармаси Сирдарё тумани бўлинмаси раиси.

Замонавий кулайликлар

Сирдарё вилояти

Марказда маҳалла гузари

Мирзаобод тумани вилоятнинг ўзига хос чорраҳасида жойлашган. Унинг маркази эса Наврўз қўрғони номи билан юритилади. Яқинда мазкур ҳудудда маҳалла гузари барпо этилди.

Туман маркази ҳудудидан катта магистраль йўл ўтган. Ана шу йўл бўйидаги майдон бир пайтлар обод маскан бўлган, аммо қаровсизлик ва эътиборсизлик оқибатида ташландиқ аҳволга келиб қолганди.

Илгари шу маҳаллага оқсоқоллик қилган, бугун эса қарилик гаштини сураётган Абдураҳмон Холиқов маҳалланинг кўркам қиёфасини бузиб турган хароба ўрнида маҳалла гузари барпо этиш ниятида фарзандлари билан кенгашди. Улар отасининг эзгу ниятига хайрихоҳлик билдиришди. Ўз навбатида туман раҳбарлари ҳам Абдураҳмон отанинг ташаббусини қўллаб-қувватлашди.

Абдураҳмон ака фарзандларига бош-қош бўлиб, тез орада ўз ҳисобидан бунёдкорлик ишларини бошлаб юборди.

Натижада қисқа фурсатда замонавий қиёфадаги маҳалла гузари қад ростлади. Гузардан чойхона, савдо дўкони ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ўрин олди. Айни кунда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини бунёд этиш чоралари кўрилмоқда.

Энг асосийси, мазкур гузар нафақат туман аҳолиси, балки пойтахтдан юртимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларига йўл олган йўловчилар учун ҳам катта қулайлик туғдиради. Шу билан бирга, янги мажмуанинг ишга туширилиши Мирзаобод чиройига чирой қўшди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ

Жиззах вилояти

Яқинда Зомин туманидаги икки асрга тенгдош эски деҳқон бозори ўрнида 500 та савдо растасига эга бўлган бозор мажмуаси қурилиб ишга туширилди.

Зоминдаги замонавий расталар

Туманнинг иқлим шароитига тўла мослаштирилган ва замонавий типда бунёд этилган ушбу бозорнинг ишга туширилиши бу ерда қарийб саксонта хусусий савдо дўкони, ўттизга яқин ошхона ва маиший хизмат шахобчалари ҳамда бир қатор кичик корхоналарнинг доимий равишда фаолият юритиши учун кенг йўл очиб берди.

Энг муҳими, маҳаллий деҳқонлар учун бу ерда қулай шароитлар яратилди. Эндиликда улар ўз маҳсулотларини хоҳлаган пайтларида шартнома асосида бозор маъмурияти ихтиёрига топшириб, шу ернинг ўзида келишилган нарх бўйича сотиши мумкин.

Бозор қурилиши учун "Зоминқурилишинвест" хусусий корхонаси, "Даштободнефт" туман пахта тозалаш корхонаси ва "Дўстликдон" ҳиссадорлик жамиятлари ҳомийлигида 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланди.

Айни чоғда Зомин тумани марказига кўрк бағишлаб турган бозор мажмуаси керакли жиҳозлар ва маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Бухоро вилояти

Кўркам бозор қад ростламоқда

Бундан чорак аср илгари қурилган Бухоро шаҳри марказидаги "Сомоний" деҳқон бозори сотувчиларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам талабига жавоб бермайдиган аҳволга келиб қолган эди.

Юртбошимиз шу йилнинг июль ойида Бухоро вилоятига ташрифи чоғида мазкур бозор ўрнида замонавий савдо мажмуасини қуриш юзасидан ўз маслаҳатларини берган эдилар. Шундан сўнг вилоятдаги 2-сон "Вилоятжамоақурилиш", 20-трест МЧЖ, "Бухорогазсаноатқурилиш" акционерлик жамияти, "Нефтгазиншооткурувчи" унитар корхонаси каби қурилиш жамоаларининг шижоатли меҳнатлари эвазига қисқа муддатда кўркам павильон, савдо дўконлари, раста ва омборхонадан иборат қулай ва ҳашаматли марказий бозор мажмуаси қад ростлади. Умумий майдони 10,5 гектарга тенг бўлган ушбу мажмуада асосий ишлар якунига етказилиб, янги йўллар қурилди. Электр энергияси, газ, сув, алоқа ва бошқа коммуникация тармоқлари ҳам тўлиқ янгиланди. Бозор ҳудудидаги қурилиш ва ободончилик ишларига жами 7 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди. Айниқса, "Арк" фирмаси лойиҳачиларининг чизмалари асосида барпо этилган мажмуанинг маҳобатли кириш дарвозаси кишини ҳайратга солади.

Қурилиши поёнига етай деб қолган бозор мажмуаси бўйлаб кезар экансиз, бу ерда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда Бухоро миллий меъморчилиги асосида кўркам расталар, бинолар қад ростлаётганига гувоҳ бўласиз.

Тез кунларда бунёдкорлик ишлари ниҳояланиб, мажмуа фойдаланишга топширилади.

Ҳамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

Ҳаётдан олмасанг сабоқ...

ЧАНГАЛДАГИ БУРДА НОН

икки жасур ўғлоннинг умри эвазига қўлга киритилган эди

Камина узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилганман. Айни пайтда пенсиядаман. Ёшларга ибрат тарзида Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Украинанинг Брест вилоятида содир бўлган бир воқеани баён этмоқчиман.

1941 йилнинг қаҳратон қиши. Аёвсиз кечган жангдан сўнг омон қолган беш нафар жангчи душман кўзига ташланмаслик учун аҳоли пунктларини четлаб, ўз ҳарбий қисмлари томон борардилар. Жангчилардан икки нафари эндигина 19-20 баҳорни қаршилаган навқирон йигитлар эди. Улар йўлда кетаётиб душман ўқидан ҳалок бўлган аёл мурдаси устида совуқдан қалтираганча йиғлаб ўтирган 4-5 ёшлар чамасидаги болакайга дуч келишди. Ўрта ёшли жангчи болани бағрига олди. Болакайнинг танасига бироз иссиқ ўтиб, анча тинчланиб қолган бўлса-да, очликдан безовталанар эди. Қани энди шу пайт бир бурдагина нон бўлса! Икки жангчи нон излаб фашистлар қуршовидаги қишлоқ томон йўл олишди. Гарчи улар бу билан ҳаётини хавф остига қўяётганлигини билсалар-да, болани сақлаб қолишнинг бундан ўзга чорасини ҳам кўрмас эдилар. Орадан бир қанча муддат вақт ўтиб қишлоқ тарафдан итларнинг акиллаши, душман автоматларидан кетма-кет узилаётган ўқ товуши эшитилди. Фашистлар йигитларни сезиб қолишган эди. Йигитлардан бири йўлда ҳалок бўлди. Иккинчиси эса оғир яраланганига қарамай шериклари олдига етиб келди-ю, жон таслим қилди. Марҳум жангчининг қўллари шериклари томон чўзилган ҳолда қолди, чангалида эса бир бурда нон бор эди...

Бундай даҳшатли воқеаларни бугунги ёшлар фақат тарих саҳифаларидан ўқишлари, ёши улуғ кексалардан, боболаридан эшитишлари мумкин. Менинг болалик даврим ҳам ўша машъум йилларга тўғри келган. Эсимда, бир тишлам нон учун ҳар қандай машаққатли юмушни бажаришга тайёр эдик. Шу сабабли бўлса керак бизга тенгдош авлодлар бугунги дориломон кунларнинг қадрини яхши англайди. Юқоридаги воқеани келтиришдан мақсад ҳам аслида мудҳиш кунларни ёшлар кўз ўнгида жонлантириш, уларни тўғри хулоса чиқариб олишга даъват этишдир. Афсус билан қайд этиш керак, бугун орамизда айрим шуҳратпараст, манманлик ва кибр ботқоғига ботган кимсалар ҳам борки, уларга танбеҳ даркор. Зеро, кимўзарга ўтказилаётган маърака-маросимлар, тўю томошалардаги дабдабабозликка, ноз-неъматлар, айниқса, нон исрофгарчилигига чек қўйиш бугун барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Қодир ҲАЗРАТОВ,
пенсионер.



Йил дастури ижроси — амалда!

"МАҲАЛЛА" — махсус мактабда

Турли байрамлар, тантана ва тадбирлар муносабати билан эҳтиёжманд инсонлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос хайрли анъаналар сирасига киради. Қолаверса, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури бандларидан ҳам ушбу йўналишга доир қатор устувор вазифалар ўрин олганки, уларнинг ижросини таъминлашда хайрия ташкилотлари, ҳомийлар ва саховатпеша инсонларнинг кўмаги, ҳиссаси катта бўлмоқда.

Тошкент шаҳри



Хусусан, Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан ҳам айни кунларда Қурбон ҳайити муносабати билан хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 130-сонли ихтисослашган мактабда бўлиб ўтди. Айни пайтда мазкур мактабда 135 нафар имконияти чекланган бола таълим-тарбия олмоқда. Таълим даргоҳида болалар махсус фанлар асосида ўқитилиши билан бирга, турли тўгараклар машғулотларига ҳам жалб этилади.

Хайрия тадбирида "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ажратилган махсус совғалар мактаб ўқувчиларига топширилди. Ўз навбатида болалар ҳам миннатдорчилик сифатида ҳомийларни турли бадиий чиқишлари билан хушнуд этишди.

Ботир САНГИРОВ,
"Mahalla"мухбири.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*
Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Оқибат қўрғони

Орамизда ўзгалар кўмагига муҳтож фуқаролар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, оғирини енгил қилиш халқимизга хос бўлган азалий қадриятлардан. Бугунги кунда бундай эзгу амалларга нафақат қадрият, балки давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, бугунги куннинг энг долзарб вазифаси сифатида қаралмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш тажрибаси ўзини тўла оқлагани қувонарли ҳол.

— Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеи оширилаётгани жамоат назоратини тобора мустаҳкамламоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ниғматилла Абдуллаев. — Бу мамлакатимизда азалдан мавжуд бўлган демократик қадриятлар янада чуқурлашаётганининг амалдаги тасдиғидир. Хусусан, маҳаллаларнинг роли ва нуфузи ортиб, унинг тизими такомиллаштирилгани учраётган айрим муаммолар жойида ва ўз вақтида ечимини топишида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга жамиятимизда ижтимоий муҳитни соғломлаштираётир.

Янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бунда маҳалла институтининг алоҳида ўрни бор. Зеро, маҳаллада катта турмуш тажрибасига эга, ишнинг кўзини биладиган пиру бадавлат отахону онахонлар кўплаб топилади. Улар орасидан оқсоқоллар ва фаоллар сайлангани зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш — аҳолининг ҳақиқатан ҳам ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Дарҳақиқат, улар шу ҳудудда яшовчи ҳар бир кишининг турмуш тарзини, даромад манбаларини, шу жумладан, қандай кўмакка муҳтож эканлигини жуда яхши билишади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда истиқлол йилларида юртимизда маҳалла тизими орқали ижтимоий ҳимояни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Натижада кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёрдамга муҳтож қариялар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиш йўлга қўйилди. Давлат томонидан бериладиган нафақалардан ташқари, "Маҳалла" жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари ҳисоб рақамига ҳомийлар ва ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилаётган маблағдан уларга мунтазам равишда тақсимлаб бериб бориляпти. Айниқса, жорий Ижтимоий ҳимоя йилида бу йўналишдаги тадбирлар кўлами янада кенгайгани эътиборга моликдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож 1,5 мингга яқин оила нафақа ва моддий ёрдам билан узлуксиз таъминлаб келиняпти. Айни мақсадда давлат бюджетидан ажратилган маблағ 216 миллиард сўмдан ошади. Шу тоифадаги оилаларга 17,1 миллиард сўмлик қаромоллар ажратилгани уларнинг рўзғорини тўкис қилишга катта ҳисса қўшди.

Табиийки, бундай хайрли ишлар одамлар кўнглини обод этиб, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини барқарорлаштиришда, шубҳасиз, ўз ўрнига эга!

Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани Сарқамиш маҳалласида истиқомат қилувчи Қурбонали Абаков ҳамда унинг турмуш ўртоғи Арофатхон биринчи гуруҳ ногирони, қарамоғида икки нафар фарзанди бор. Ўзгалар ёрдамига муҳтож бу оилани маҳалладошлари ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Кўни-қўшни, маҳалла, қолаверса, "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси ушбу оиланинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Ўктамбек Ҳайдаровнинг айтишича, жорий йилда вилоятда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга хайрия тариқасида ўртача ҳисобда 25 донадан парранда тарқатилди.

— Ҳаётда ҳар хил тақдирлар бўларкан, — дейди Шаҳрихон туманидаги Қозиқўрғон маҳалласида яшовчи Офтобхон Раҳмонова. — Менинг пешонамга қариганда ёлғиз қолиш битилган экан. Бироқ шукрки, атрофимда яхши инсонлар кўп — маҳалла-куй мени ёлғизлатиб қўймади. Бу йил уларнинг кўмаги билан янги ҳовлига кўчиб ўтдим. Юртдошларимиз ўртасидаги бундай меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, кучайтиришга раҳнамолик қилаётган Юртбошимизни доимо дуо қиламан...

Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Хўжа Ҳусрав номли маҳаллада яшовчи Карим Рашидов ҳам шундай дуогўйлардан. Отахоннинг уй-жой масаласида қийналиб қолганини кўрган маҳалладошлари, фуқаролар йиғини мутасаддилари қараб туришмади. Имкониятлар ишга солиниб, беш миллон сўм миқдорида маблағ жамғарилди. Яқинда отахоннинг оиласи янги ҳовлини қуриб битказди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган "Диёр" ресторанида туманда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларидан 15 нафарининг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Ҳомийларни жалб қилган ҳолда тўйни ташкиллаштириш "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан амалга ошди. Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган ёшлар орасида пойтахтимиздаги 31-сонли "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланган Афелия Сейталиева ва Димитрий Пратоновлар ҳам бор эди. Тўй тугагач, келин-куёвни бир пайтлар яқинлари яшаб ўтган Шукур Бурхонов номли маҳалла аҳли ўз бағрига олиб, уй-жойли бўлишига яқиндан кўмак берди.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Тунчоқ маҳалласида яшовчи Мўйдин Жалиловнинг бошига тушган кўргиликни унинг ёнатрофидагилари, маҳалладошлари ўз елкасига олиб, ёрдам қўлини чўзди. Мўйдин аканинг қизи Гулчиройнинг оғир хасталигига фақат хорижда даъво топиш мумкин эди. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Гулчеҳра Бобожонованинг айтишича, ҳозирда бемор операцияси учун 10 миллион сўмга яқин маблағ жамғарилди. Тез кунда ота-болани маҳалладошлари хорижга кузатишади. Кўпнинг нияти ижобат бўлиб, қизалоқ шифо топса, ажаб эмас.

Ҳа, саховатпеша, меҳр-оқибатли юртдошларимиз бугун хайрли ишларга иштиёқманд. Уларни эзгу ишларни бажаришга, ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришга даъват қилиб келаётган маҳаллалар фаолияти ҳам истиқлол ислоҳотлари натижасида ривож топмоқда. Зеро, юртимиз тараққиёти, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминловчи энг асосий омиллардан бири ҳам ана шу.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Олам турфа

СЕЗГИР ҚАРИЯЛАР

Маълумотларга кўра, германиялик қариялар об-ҳаво қандай бўлишини олдиндан сезишар экан.

Уларнинг кўп фоизи 65 ёшдан ошганлардир. Салгина намлик бўлса ҳам дарров пайқашади, ҳолбуки буни фақат махсус асбаблар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Германиялик телевидение ходимлари қариялар билан об-ҳаво маълумотини тузиш бўйича ноанъанавий тадқиқот ўтказишди. Бу ғоя тасодифан пайдо бўлгани йўқ: лойиҳа ташаббускорларининг фикрича, кексалар об-ҳаво ўзгаришини қадим замонлардан буён авлоддан авлодга ўтиб келаётган аломатлар ўз ҳолида соғлигининг ҳолатига қараб олдиндан айтиб бера олишади.

ТОМ ВА ЖЕРРИНИНГ ЗАРАРИ БОРМИ?

Чикагода ноанъанавий тажриба ўтказилди.

Тадқиқотда олимлар 2-5 ёшли томошабинларга мультфильм ва видеоўйинлар қандай таъсир кўрсатишини кузатиб, жуда қизиқ хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, ур-йиқит саҳналарга тўла бу телемаҳсулотлар (барча учун севимли "Том ва Жерри", "Вуди Вудпекер"ларни эслашнинг ўзи кифоя) бола руҳиятига зарарли таъсир кўрсатади. "Бола бу ёшда реал ҳаёт ва ғайритабиий оламни ажрата олмайди, уларни қандай қабул қилишда эса ота-она кўмагига муҳтождир, — дейди тадқиқотчилардан бири. — Агар мультқаҳрамонлардан бири бошидан зарба есаю, яна ҳеч нарса бўлмагандек ишини давом эттирса, бола бундан мириқиб кулади. Бироқ унда зўравонлик жиддий муаммо туғдирмас экан, деган тушунча пайдо бўлади. Бу тажовузкорлик туйғуси болада бир умрга қолиши мумкин".

Олимлар фикрига кўра, бу нарса қиз болаларга нисбатан ўғил болаларга кучлироқ таъсир қилади. Чунки, бу ёшда қиз бола зўравонлик акс этган саҳналардан кўра тарбиявий аҳамиятга эга мультфильм ва кўрсатувларга бирмунча мойилроқ бўлади.

Қилмиш — қидирмиш...

Ғавғоли "САВДО"лар

ёки айрим сохта тадбиркорларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари уларнинг ўзи учун ғавғога айланаётгани хусусида

Истиқлол йилларида юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиш борасидаги ҳисобдорлигини соддалаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида республикамиз Президенти томонидан бир қатор фармонлар имзоланди.

Қашқадарё вилояти

Хўш, давлатимиз ва Президентимизнинг бу ғамхўрликларига юртимизда фаолият юритаётган минглаб тадбиркору ишбилармонлар амалда қандай жавоб бермоқдалар? Бир сўз билан айтганда, уларнинг амалий жавоби яратилган қулай шарт-шароитларга муносиб бўлмоқда. Дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз фаровонлигида халқ эҳтиёжи учун маҳсулотлар етиштириб ва ишлаб чиқариб, уларнинг савдо-сотиғини йўлга қўяётган тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳиссаси катта, албатта. Бундан ташқари, ўнлаб хусусий тадбиркорларнинг маҳсулотлари хорижга сотилаётгани натижасида мамлакатимизга чет эл сармояси кириб келаётганлиги нур устига аъло нур.

Масалан, Қамаши туманидаги "Микрон-М" корхонасида эришилаётган ютуқларни олайлик: ҳозирги кунда энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада жорий йилнинг ўтган даври давомида 416 тонна, яъни 256 миллион сўмлик макарон, бир неча тонна, жами 291 миллион сўмлик нон, печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг бир қисми чет элга экспорт қилинди. Корхона 40 миллион сўмга яқин соф даромад кўрди. Ўнлаб ёшлар иш билан таъминланибгина қолмай, чет эл ускуналарини моҳирлик билан бошқариш ҳадисини олишди. Корхона белгиланган давлат солиқларини ўз вақтида тўлаб келаётгани боис шу йўналишдаги махсус кўрик-танловнинг "Энг яхши солиқ тўловчи" номинацияси бўйича ғолиби ҳам бўлди.

Тадбиркорлик билан якка тартибда шуғулланувчи Қарши шаҳридаги Арабхона маҳалласи фуқароси Собир Рамазонов, Узумзор маҳалласидан Аъзам Бекмуродов, Усмон Юсупов номли маҳалладан Жасур Дўстов ва бошқалар озиқ-овқат ва халқ эҳтиёжи маҳсулотлари савдоси билан муваффақиятли шуғулланиб, банк муассасаларига ойма-ой 30-40 миллион сўмдан нақд пул топширмоқдалар. Бу тушумлар ва ўз вақтида амалга оширилган солиқ тўловлари фуқароларга пенсия ҳамда турли нафақаларнинг ўз вақтида тўланишида муҳим омил бўлмоқда.

Афсуски, барча тадбиркорлар ҳам давлатимиз, халқимиз олдидаги ўз масъулият ва бурчларини тўғри англаб, адо этмоқдалар, деб бўлмайди. "Ўзим чиққан тепа омон бўлсин" қабилида иш кўраётган, солиқлар тўловини кечиктириб ёки тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган ҳуқуқбузарлар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, Қамаши тумани солиқ идорасига А.Набиев номли кўчада истиқомат қилувчи фуқаро Ҳалима Мўминованинг ўз хонадонида мосламалар ўрнатиб пахта чигитидан мой ишлаб чиқараётганлиги ҳақида тезкор хабар келди. Тажрибали мутахассислардан иборат махсус гуруҳ белгиланган манзил томон йўл олди. Буни қарангки, сохта тадбиркорнинг яширин цех очиб, ноқонуний равишда бемалол иш юритаётгани чин экан. Бир чеккадаги пахта уюми тортилганда роппа-роса 7380 килограмм чиқди. Унинг нархи ўрта ҳисобда 1 миллион 328,5 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, хонадонда 460 килограмм чигит, 77400 сўмлик пахта толаси ва 40 килограмм тайёр ёғ маҳсулоти хуфёна сақланган экан. Хуллас, ноқонуний фаолият юритган цех, 1 миллион 503 минг 820 сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: қонунбузар ҳар бир мисқоли қатъий ҳисобда турган шунча пахта ва чигитни қаердан олди экан? Шубҳа йўқки, ҳеч қаерда нақд пулга сотилмайдиган бу маҳсулотлар сохта тадбиркорнинг ўзига ўхшаш қонунбузар кимсалар томонидан қинғир йўллар билан келтирилган.

Ҳ.Мўминовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилди.

Яккабоғ туманидаги Чойдара қишлоғида яшовчи Мухтор Диёров исмли шахс ҳам ўз ҳовлисида қонунга зид, пинҳона равишда пахтадан тола, чигит ажратиш, ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Унга тегишли бўлган барча ускуналар, катта миқдордаги чигитланмаган пахта, тола, чигит мусодара этилди.

Шаҳрисабз тумани А.Раҳматуллаев номли кўча, 33-уйда яшовчи Абдувоҳид Мейлиев, Миришкор туманидаги Ободон маҳалласи фуқаролари Худойқул Каримов, Ҳасан Полвонов, Ойтўра Убайдуллаеваларнинг ҳам узоқ вақтдан буён қўлбола мойжувоз ўрнатиб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланган фош бўлди ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Шунингдек, тумандаги Абдуҳаким Халиловга тегишли савдо дўкони фаолияти текширилганда 828950 сўмлик 977 килограмм ун яширинча сақланаётгани аниқланди. Маҳсулотга дахлдор ҳужжатлар ва сотиш учун тегишли рухсатнома мавжуд эмас экан. Бунинг устига, дўкондаги савдо-сотиқ ишлари касса аппаратисиз амалга ошириб келинган. Шу тумандаги Ш.Шоимов кўчаси 20-уйда яшовчи Тўлқин Эшдавлатов савдо қилаётган дўконда ҳам 2105 килограмм миқдорда Қозоғистон Республикасида ва "Жомбойдон маҳсулоти" ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган ун маҳсулоти ноқонуний тарзда сақланаётгани аён бўлди. Тегишли ҳужжатлар йўқлиги боис дўкондор лом-мим деёлмай тилини тишлаб қолди. Бунинг сабаби катта миқдордаги ун чакана йўллар билан олиб келинган. Бу ҳолатдан бохабар бўлган баъзилар "Нима бўлса ҳам аҳоли эҳтиёжи қондириляпти-ку", дейиши мумкин. Қанийди, савдогар бироз бўлса-да эл ғамини еса! Ҳамма гап шундаки, ўғринча келтирилган ун аҳолига икки-уч ҳисса ортиқ нархда пулланяпти.

Ғузор туманидаги "Маҳмудшоҳ" хусусий савдо дўкони раҳбари инсоф-диёнатни тамоман унутган чамаси, ноқонуний хатти-ҳаракати билан ҳудудда сунъий равишда ун ва ёғ танқислигини келтириб чиқарган. Бу дўконда 10570 килограмм ун, 50 килограммга яқин ўсимлик ёғи қимматроқ нархда харид қиладиган харидор топилгунча яшириб қўйилганлиги маълум бўлди. Савдо дўкони раҳбари Одил Имомовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-,189-моддалари тегишли бандларига биноан жиноят иши қўзғатилди.

Спиртли ичимликлар савдосди билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларини содир этаётганларни ҳам юқоридаги сингари ўз нафси йўлида қинғир ишга қўл ураётганлар сирасига киритиш мумкин. Зеро, бугунги кунда истеъмолга яроқсиз спиртли маҳсулотларнинг гоҳида яширинча, гоҳида ошкора сотилиши айни кунларда айниқса, авж олган. Бунинг оқибатида фуқаролар заҳарланиб, саломатлигига путур етаётгани, ҳатто айримлар сифатсиз спиртли ичимликдан жон таслим этаётгани ҳам сир эмас.

Китоб тумани Янгиобод кўчаси 21/2 уйда яшовчи Нафиса Исломова, шу тумандаги Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Рўзигул Ҳайитова ва Ойсара Йўлдошевалар ҳам ҳеч бир тегишли ҳужжатга эга бўлмай туриб, қўлбола ароқ пуллатётган пайтда солиқчилар назоратига тушдилар. Сохта тадбиркорлар сохта маҳсулотни сотиб ноқонуний мўмай даромад илинжида фуқароларимизнинг ҳаётига хавф солгани, амалдаги тартиб-қоидаларни бузгани учун тегишли жазо оладиган бўлишди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

...ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНМИ?

Иш берувчи ҳомиладор аёлни унинг розилигисиз ҳам ишдан бўшатиб юбориш ҳуқуқига эгами?

Жавоб:

ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ!

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ушбу моддани биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган аёлларни ишга жойлаштириши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳаки сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 237-моддаси.

Қадр топган қадриятимиз

Тошкент вилояти

КЎПКАРИ — ЮРАГИДА ЎТИ БОР БОТИРЛАР УЧУН

Кўпкари чопиш халқимизнинг алпқомат, жасур ва мард чавандоз йигитларига жуда ярашади. Бу қадимий ва миллий қадриятимиз кейинги йилларда қайта тикланиб, халқ сайлларига ўзгача мазмун бағишламоқда. Чаққону моҳир, юрагида ўти бор чавандозлар кўпкари ихлосмандлари олқишини олмоқда. Тошкент вилояти Зангиота туманининг Қаҳрамон қишлоғида тадбиркор Акромхон Қодирхонов ҳомийлигида ҳафтада бир марта кўпкари мусобақалари ташкил этиш ўзига хос анъанага айланиб қолган. Кейинги пайтларда бу қишлоққа Жиззах, Сирдарё вилоятларидан, шунингдек, қўшни Тожикистон, Қозоғистон республикаларидан чавандозлар ташриф буюрмоқда. Кўпкари мусобақаларида 200 нафардан 1000 нафаргача чавандозлар қатнашади.

СУРАТЛАРДА: *Қаҳрамон қишлоғидаги кўпкаридан лавҳалар.*

Р.НУРИНБОЕВ олган суратлар.

Табиат — неъматларга бой!

АСАЛАРИнинг ниши ҳам ДАВО

Асал — ўсимлик гулидаги ширанинг асалари организмида қайта ишланиши йўли билан ҳосил бўладиган ширин суюқлик. Асалари энг меҳнаткаш, инсониятга энг кўп фойдаси тегадиган ҳашаротлардан биридир.

Асал қайси фаслда ва қандай ўсимлик гулларидан йиғилганлигига ҳамда ранги, ҳиди, таъмига, шунингдек, қандай табиий шароитли жойлардан (ўрмон, дала, тоғолди ҳудуди) олинганлигига кўра бирбиридан фарқланади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган асаларичилик хўжаликларининг асали энг мазали ва хушбўй ҳисобланади, чунки бундай ерларда асаларилар турли доривор гулларнинг ширасини йиғади. Соя-салқин ўрмонлардаги ўсимлик гулларидан ва каноп, ғўза сингари техник ўсимликлардан йиғилган асалнинг сифати пастроқ бўлади. Асалнинг чўзилувчанлиги унинг таркибидаги сув миқдорига, ҳароратига ва кимёвий таркибига боғлиқ. Асалда сув қанча кўп бўлиб, ҳарорат юқори бўлса, у шунча кам чўзилади. Баъзи "уддабурон" асалчилар суюқ ёки шакарланиб қолган асалга шакар шарбати, бирон қиём, крахмал, сув, ун, бўр ва бошқа моддалар қўшиб, унинг ҳажмини кўпайтирадилар.

Асл асалнинг таркиби 80 фоиздан ортиқ углеводлар (глюкоза, фруктоза), 0,4 фоиз кул ва 13-14 фоиз сувдан иборат бўлади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, асал қанча оғир бўлса, унинг таркибида сув шунча кам бўлади. Агар асал таркибида сув 20 фоиздан ошмаса, у етилган асал ҳисобланади. Гул асали асосан глюкоза ва фруктозага тўйинганлиги учун ҳам юқори сифатли ҳисобланади ва узоқ сақланганда қумоқланади. Бундай асалнинг кимёвий таркиби узоқ вақт мобайнида ҳам ўзгармайди. Янги, тоза асални қумоқлантириш учун унга қумоқланган асалдан бир-икки қошиқ аралаштириш кифоя, орадан икки кун ўтар-ўтмас идишдаги асал буткул қумоқланади. Қумоқланган асални эритиш учун уни чинни идишга солиб, сув қайнаб турган бошқа идиш ичига қўйилади. Асал суюлгандан кейин бошқа идишга ағдарилиб, оғзи ҳаво кирмайдиган қилиб зич беркитилади. Бундай суюлтирилган асал узоқ вақтгача қумоқланмайди.

Тоза асал ҳеч қачон айнимайди, бунинг сабаби эҳтимол унинг таркиби мураккаб эканлигидандир. Асал таркибида турфа минерал моддалар: кальций, натрий, калий ва бошқа микроэлементлар, органик кислоталардан олма, лимон кислотаси, В2, В6, РР, С, Е, К витаминлари мавжуд. Умуман, асал таркибида 70 дан ортиқ фойдали моддалар борлиги аниқланган. Асал кишиларни турли дардлардан фориғ этувчи табиий неъмат сифатида қадимдан бери халқ табобатида туркана дори сифатида ишлатилган. Ҳатто қадимги давр адабиётларида асал шаънига айтилган мадҳиялар ҳам учраб туради.

Абу Али ибн Сино бундан минг йил илгари асалнинг ғоят шифобахшлиги тўғрисида "Тиб қонунлари" асарида: "Асал аъзоларимиздаги суюқлик ўтказувчи томирларни кенгайтириш ва тозалаш хусусиятига эга. У ички аъзолардаги фасодни ҳайдаб чиқарадиган нарса... Асал

кўз хиралашишига ҳам дори... Томоқ оғриғини даволайди..." деб ёзган эди. Асал ҳозир кўпгина хасталикларни даволаш жараёнида парҳез таом сифатида тавсия қилинади. Асал овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, шу боис ундан меъда ва ичак яраси касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Юракнинг бир меъёрда ишлашида ҳам асалнинг нафи катта, чунки у глюкозага бой. Глюкоза юрак-қон томирларини кенгайтиради, организмда қон айланишини яхшилаб, мушакларни қанд моддаси билан таъминлайди. Олимларимиз асални мунтазам равишда бир меъёрда истеъмол қилиб турган кишиларда қон босими, юрак фаолияти нуқсонсиз бўлишини таъкидлайдилар.

Шунингдек, асал бошқа кўпгина касалликларни, жумладан, шамоллаш, йўтал, кўз, жигар, буйрак касалликлари, болалардаги ичбуруғ касалини, теридаги тез битмайдиган турли жароҳатларни, тананинг куйган қисмини даволашда самарали воситадир. Асал кейинги вақтларда турли пардоз воситаларида ҳам кенг қўлланиляпти. Шуниси қизиқки, хозирда асаларининг ниши ҳам маълум ҳолларда инсон соғлиғи учун фойдали экани аниқланди. Бод, ревматизм каби бўғим ва тўқималарнинг хасталигида асаларилар чақириш йўли билан даво топганлар ҳам кам эмас.

Юртимизда асаларичилик XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ривожлана бошлаган. XX аср бошларида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Жиззахнинг Бахмал туманларида асаларичилик жадал ривожланди. Ҳозирги даврда республикамизда 154 минг асалари оиласи (қутиси) бор. Ихтисослаштирилган асаларичилик хўжаликлари ташкил этилган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 48 та асаларичилик хўжалиги, шу жумладан, "Асал" ишлаб чиқариш уюшмаси таркибида 22 та асаларичилик хўжалиги бўлиб, уларда 88 минг асалари оиласи (қутиси) мавжуд. Қолаверса, табиий асалнинг фойдали хусусиятлари омма орасида машҳур бўлгани сайин асаларичилик билан якка тартибда шуғулланувчи ҳаваскор асаларичилар сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунлар сиз кутгандек омадли ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳафта охирига бориб келгусидаги ишларингиз ҳақида ўйлаб олсангиз айни муддао бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳафта қизиқарли воқеалардан бошланади. Сиз ана шу вазиятдан унумли фойдаланиб, ижобий фазилатларингизни намойиш қилишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ўйлаган мақсадингизга эришиш учун жуда оз фурсат қолди. Фақат бу борада сиз ортга чекинманг. Шу кунларда янги лойиҳа устида ишлаш иштиёқи туғилади.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Ушбу бурж вакиллари ақл-идроки билан атрофдагиларнинг олқишига сазовор бўладилар. Режаларингизни амалга ошириш учун чоршанба қулай кун.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Мазкур бурж намоёндаларига хос бўлган меҳнатсеварлик шу кунларда ўз самарасини беради. Улар меҳнатига муносиб рағбатлантирилади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ушбу ҳафтада рўзғор юмушлари билан банд бўласиз ва шу йўл билан ҳаётингизни максимал даражада ўзгартиришга ҳаракат қиласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Бу ҳафтада ўтган ҳафтадагига нисбатан асабларингиз анча тинчланади. Қолаверса, шу кунларда пул билан боғлиқ муаммоларни бартараф этасиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Атрофдаги мишмишларга муносабат билдиришда аввало ҳолис бўлинг. Бу билан сиз ишда ва оилангизда юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини оласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Иш ҳақида тинимсиз ўйлаб, соғлиғингизга эътиборсизлик қилманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўл урадиган ҳар бир ишингиз муваффақиятли бўлиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда фаолиятда бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Бироқ улар тез орада ўтиб кетади. Якшанбада оилавий можароларни муҳокама қилмасликка ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Турли ғояларни рўёбга чиқариш учун қулай ҳафта. Пайшанбада эски танишларни учратишингиз ва улар ҳаётингиздаги катта ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)

Шу кунларда омад сиз томонда бўлади. Олдингизда турган вазифаларни масъулият билан бажаришга ҳаракат қилинг!

Бир маҳалла тарихи

Манбаларда МЎЛКЕНТ ўтмиши: тахминми ёки ҳақиқат?..

Жиззах вилояти

Жиззах шаҳридаги мавжуд 33 та маҳалланинг ҳар бири ўз тарихига эга. Расмий номланиши Қалия-Мўлканлик бўлса-да, кейинчалик қисқартирилган ҳолда атаб келинган энг қадимги ва улкан шаҳар ёдгорлиги Қалиятепанинг ғарбий қисмида жойлашган Қалия маҳалласида бугун олти минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда.

Нуронийларнинг эслашича, мўлканликларнинг асли келиб чиқиши Тошкент шаҳридаги Арпапоя маҳалласи ўтмишига бориб тақалади. Бир замонларда арпапоялик аҳоли ўша даврдаги Тошкент ҳокимининг фармонига кўра Чиноз туманининг Ниёзбоши қишлоғи атрофидаги Мўлкан номи билан аталувчи мавзега кўчирилган экан.

Вақт ўтиши билан кўчирилганларга Жиззахдан яшаш жойи белгиланади. Аҳолининг катта қисми Жиззахга кўчади. Ҳозирги кунда ҳам мўлканликлар билан ниёзбошиликлар ўртасида қавм-қариндошлик алоқалари сақланиб қолган. Айтишларича, эллик-олтмиш йил аввал мўлканликларнинг бундай борди-келдилари Тошкентдаги Арпапоя ва Соғбон маҳаллалари аҳли билан ҳам мавжуд бўлган. Мўлканликлар Жиззахга келгач, иккига бўлиниб кетиши ҳам ўзига хос тарихга эга. Ўша кезларда Қалиятепа Жиззахнинг бош қалъаси бўлган. Деҳқончилик билан шуғулланган мўлканликлар Қалиятепа атрофидаги қўриқ ерларни ўзлаштириб, экинзор ва боғ-роғларга айлантиришган.

Аҳоли сони ўсиб, экин ерлари тақчил бўлиб қолганида Жиззахнинг шимолий-ғарбий ҳудудидаги ерлар ҳам ўзлаштирила бошланган. Вақти келиб мўлканликлар қишлоқ барпо этишди. Натижада Қалиятепа атрофида қолган аҳоли "Қалия-Мўлканлик", чўлда яшаб қолган аҳоли эса "Чўл-Мўлканлик" деб аталиб келган.

Археологик маълумотларга қараганда, XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида Қалиятепада ҳаёт бутунлай тўхтаган. Ўша даврда Жиззах ўрдаси ўлканинг маъмурий, сиёсий-иқтисодий, ҳарбий марказига айланади. Мўлканликларнинг ўрда ичидаги маҳалласи қўрғоннинг шимолий-шарқий қисмида Тошкентлик, Ўратепалик, Оққўрғонлик маҳаллалари билан ёнма-ён жойлашган. Мўлканликлар ёз ойларида дала ҳовлида, қиш фаслида қўрғон ичидаги ҳовли-жойларида истиқомат қилишган.

Мўлканликларнинг асл макони Ниёзбоши мавзеси яқинидаги Мўлкан қишлоғи эканлиги ҳақида ёзма манбаларда ҳам маълумотлар бор. "Мухтасар ал-билод" ("Мамлакатларнинг фатҳ этилиши") асарида ёзилишича, Мўлкент Сирдарё бўйидаги муҳим ҳарбий-стратегик қалъалардан бири бўлган. Тарихий манба ҳисобланмиш "Шайбонийнома" асарида ҳам Мўлкент ҳақида қуйидаги сатрлар бор:

"Ким, яна Сирни ўтибон лашкар,
Ошлиқ олғай тевасига яксар.
Яна хон айлагач ул навъ хаёл,
Яна Сир бўлди черикига паймол.
Мўлкент устига йўл солдилар,
Бўлғой ошлиқларин олдилар.
Кўнгил ошлиқ соридин жамъ ўлди,
Мўлкент эли вале соврилди..."

Бу воқеа Шайбонийхон Самарқандни босиб олганидан сўнг, яъни 1501-1502 йилнинг қиш ойларида содир бўлган. Ўшанда Мўлкент элининг кули кўкка совурилган, талон-тарож этилган. Омон қолган аҳоли турли томонга тарқаб кетган. Мўлкентликларнинг аждодларини айни шу воқеадан кейин Жиззахга кўчиб келишган, деб фараз қилиш ҳам мумкин.

Жиззахда "Полвон" деб ном олган марҳум Ҳазратқул Ортиқовдан (1900-1990 йилларда яшаган) қолган хотираларга кўра, дастлаб мўлканликларнинг аждодлари Тошкентда яшаган. Сўнгра улар Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Мўлкентга (ҳозирги Ниёзбоши қишлоғи ҳудудида бўлган) кўчишган.

Тошкентда истиқомат қилган кезларида Абдуғаффор, Абдужаббор, Абдусаттор исмли акаукалар пахта сотиш учун Бухорога боришади. У ерда катта халқ сайлининг устидан чиқишади. Улар ҳар куни кураш мусобақаларини томоша қилишади. Кураш мусобақасида Бухоро хонининг полвони ҳамма рақибларини йиқитиб, мутлақ ғолиб бўлади. Хон ўз полвонининг ғалабасидан руҳланиб кетиб, яна курашга талабгор бўлса даврага чиқишини сўрайди. Баковулнинг даъватидан сўнг Абдуғаффор курашга тушади ва биринчи қўл олишдаёқ хон полвонининг оёғини осмондан келтиради. Хон мусофир деҳқон йигитнинг кучи ва шижоатига қойил қолади ва унга "Тила, тилагингни" деб марҳамат кўрсатади.

Абдуғаффор Ниёзбоши, Қовунчи қишлоқлари атрофидаги серсув, унумдор ерларда деҳқончилик қилиш учун хондан ижозат сўрайди. Хон ҳам марҳаматини дариғ тутмайди. Вақт ўтиб Мўлкентда яшовчи аҳолининг бир қисми Жиззахга кўчиб Қалиятепа атрофига ўрнашган. Уч ака-ука авлоди бўлмиш мўлкентликлар иккига — "Қалия-Мўлканлик" ва "Чўл-Мўлканлик"ка ажралиб кетишган.

Қалия-Мўлканлик ерларига Сангзордан бош олган Қалия ариғи орқали сув келган. Қалияликлар деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан машғул бўлишган. Жиззах ўртасида ҳам уларнинг қишки турар-жойлари, маҳаллалари мавжуд бўлган.

Мухтор ПАРДАЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Ўзига берилган ақлсиз тентакдир. Ўзини безаган хушрўй сатангдир. Ўзини тортган — панд еган, мағрурланган — лаънат остида қолган.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Ақл-идрок билан бойишга ҳаракат қил, чунки у мол-дунё бойлигидан яхшидир. Ахир ақл-идрок билан бойликни қўлга киритиш мумкин, аммо бойлик билан ақл-идрокни тўплай олмайсан.

РЕНЕ ДЕКАРТ

Гарчи биз ерда яшаб, самога кўз тиксак-да, руҳимиз жисм қўрғонига бандидир. Шу боис банди руҳ ҳисобсиз алдамчи ва ёлғон тимсолларни қабул қилишга маҳкум.

ФРЭНСИС БЭКОН

Яхшиликни йўқотиш — кам йўқотиш, номусни йўқотиш — кўп йўқотиш, мардликни йўқотиш — ҳамма нарсани бой бериш демакдир.

ГЁТЕ

Инсонни ақл файласуфга, шухратсеварлик қаҳрамонга, эзгулик эса донишмандга айлантиради.

ВОВЕНАРГ

Азиз муштарий!

Сиз қадрдон ҳаммаслагингиз, фаолиятда ҳамкорингизга айланиб қолган "Mahalla" газетасига обуна бўлишни кечиктириб ўтирманг. Бугун "Mahalla"га обуна бўлишнинг айни вақти, эртага кеч бўлиши мумкин.

ЭЪЛОНЛАР...

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги Низомий номли ТДПУ қошидаги "Камолот" ЁИҲга берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный аттестат № O'R-E 058340 выданный ср. школой № 122 в 1997г. Юнус-Абадского р-на. г.Ташкента на имя Хрыкиной Екатерины Владимировны считать недействительным.

Утерянный оригинал разрешения № 3390 от 03.08.06 до 03.08.07 выданный компанию ООО "Xalqaro Madaniyat Ko'maklari" на привлечение иностранной рабочей силы считать недействительным.

ООО "SIDIQA-AYA" М.Улугбекского р-на перерегистрируется в частное предприятие "SIDIQA-AYA". Притензии принимаются по тел: 444-28-27. Код по ОКПО 19814933.

Б.КАЛОНОВ чизган расм.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

10316 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1121 Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5